



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 25 август, № 181 (7961)

Чоршанба



ДАРАХТЛАР МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ, ЭКОЛОГИЯ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 август куни экологик ҳолатни яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш ва яшил худудларни кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммолар кўпаймоқда. Бунга баъзан табиий омиллар, кўп ҳолларда эса инсоннинг ўзи сабабчи бўлмоқда.

Масалан, сўнгги 4 йилда sanoat корхоналари 2 баравар ортиб, шаҳарларда чанг-газ микдори метрдан 4 баравар ошган. Юртимиз худудларида яшил майдонлар 3-4 баравар қисқариб кетган. Сув камайиб, ер ости суви сатхи ҳам пайсайган.

Кўп қаватли уйлар ораллигидаги бўш жойларда қурилишлар қилиш, мораторий эълон қилинганга қарамайдан, дарахтларни кесиб, яшил худудларни камайтириш ҳолатлари кўпчилиги раنجитмоқда.

Бу борада Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликларда жонқурлик этишмаепти, амалий ишлар кўринмаепти.

Шу боис йиғилишда соҳадаги муаммолар танқидий муҳожама қилинди. Жойларда ишларни тизимли ташкил эта олмагани учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Алишер Мақсудов лавозимидан озод этилди.

Экологик ҳолатни яхшилаш, яшил худудларни кенгайтириш бўйича муаммоларни белгилаш. Бу йил куз ойларида автомобиль йўллари, дала четлари, барча аҳоли масканларида 55 миллион донга, келгуси йил баҳор мавсумида 70 миллион донга тут, павловния, чинор, эман, ёнғоқ, жийда, терак каби мева ва манзарали дарахтлар экиш вазираси қўйилди.

Дарахтларни парваришлаш учун ҳар бир маҳаллага биттадан, туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлимига камидан 5 нафардан ишчи берилади.

Хокимларга шаҳарлар ва туманлар марказларидаги 4 минг 500 километр ички ирригация тармоқларини тиклаш бўйича топшириқ берилди.

Экологияни яхшилаш, яшил худудларни кенгайтиришда кўчатчилик жуда муҳим. Мисол учун Андижон, Пахтабод ва Марҳамат туманларида павловния етиштирувчи хўжаликлар ташкил этилган. Ёки, Ургант туманининг Хўжайидук ва Омонқўтон қишлоқларида ҳар бир хонадонда 2 минг туздан манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда.

Шу каби омилкорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини сифатли кўчатлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир худудда "Яшил замин" жамғармалари ташкил этилиши белгиланди.

Мутасаддиларга кўчатчиликка иктиссослаштирилган хўжаликлар учун тиллов асосида ер ажратиш, "Яшил замин" жамғармаси ҳисобидан аҳолига мева ва манзарали дарахт кўчатларини бепул тарқатиш бўйича қўрсатма берилди.

Шаҳарларда яшил худуд ва жамоат парклари ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, Қарши шаҳридаги 27 гектар майдонга эга Алишер Навоий номидаги истироҳат боғининг 11 гектари аттракционлардан тозаланиб, сокин худудга айлантирилган. Китобхонлик бурчаклари, пиёда ва велосипед йўлакларини ташкил этилган.

Лектин юртимиздаги 300 га яқин истироҳат боғлари туризм вазирилик ва идораларга қаршили бўлиб, уларнинг аксарияти қаровсиз.

Шу боис мутасаддиларга барча истироҳат боғларидаги дарахтларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, жамоат паркларини кўпайтириш бўйича топшириқ

берилди. Ташкилдангандек, истироҳат боғларининг 70 фоизи яшил худуд бўлиши керак ва уларда бино-иншоотлар қурилишига йўл қўйилмайди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан сайилгоҳ, кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларнинг ҳар бирини яшил худудлар ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, 60 километр каналлар бўли, 250 километр пёдалар йўлакларини атрофига манзарали дарахтлар экиш керак.

Тошкент шаҳар ҳокими шун борада қатор топшириқлар берилди. Маълумки, Президент Фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига кўра, дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий жорий қилинган эди. Ушбу чора муддати 2020 йил 31 декабр-гача бўлиб, у орқали 316 минг туپ дарахт асраб қолинди.

Лектин шунга қарамайдан, 5 мингга яқин дарахтлар ноқонунли кесилган.

Шу боис давлатимиз раҳбари бу борадаги чораларни кучайтириш бўйича қўрсатмалар берди. Хусусан, дарахтларни кесилишига мораторий 2024 йилга қадар узайтирилади ва жавобгарлик кескин кучайтирилади. Яшил худуд ва жамоат паркларидаги дарахтларни кесиб қатъий таъқиқланади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида экология полицияси ташкил этилади. Унинг зиммасига экология соҳасидаги қонбузарликлар, жумладан, дарахтларни рухсатсиз кесиб, чикиндиларни ноҳожиг жойга ташлаш, браконьерлик каби ҳолатларга қарши курашиш вазирилик қўйилди.

Шу билан бирга, экология соҳасида қўлланаладиган жарималар микдори 5 баравар, етказилган зарар учун компенсация микдори 2 баравар оширилди.

Чикиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилган жойларда тартиб яхшилانган.

Хусусан, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Наманган туманларида маҳаллаларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 92 фоизга етиб, тушумлар 2 баравар ошган.

Фарғонада 7 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилиниб, илк бор чикиндиларни саралаш заводи ишга туширилган.

Бу тажрибани бошқа худудларда ҳам кенгайтириш, хусусий шериклик асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Илим ва инновациялар ҳар бир соҳада зарур. Лектин бугунги кунда Давлат экология қўмитаси тизимидаги 2 мингдан ортиқ ходимларнинг атиги 10 фоизи мутахассис ҳисобланади.

Шу боис қўмита ҳузуридаги илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш, олимлар ва кадрлар тайёрлашнинг ривожлантириш бўйича қўрсатмалар берилди.

Бунинг учун мазкур илмий-тадқиқот институти замонавий техника ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланади. Докторантурага квоталар 2 баравар оширилади. Институтида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш ташкил этилади.

Йиғилишда муҳажима қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОННИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини ошириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган тўб ислохотлар жараёнидаги ташаббускорлиги, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва иқтисодий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Аҳмедов Муҳаммад Исматович — Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад Исмат» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти



Аҳмедов Муҳаммад Исматович



Аюпов Шавкат Абдуллаевич



Гафуров Иброҳим Усмонович



Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серкирра ижоди, самарали илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони

Аҳмедов Бабомурот Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг назарий астрофизика бўлими мудири

Сағдуллаев Шамансур Шахсаидович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усимлик моддалари кимёси институти директори

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХАЛҚАРО КУЛОЛЧИЛИК ФОРУМИ ВА КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМА-САВДОСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қадимдан шаклланиб келаётган кулолчилик аъёналарини асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантириш, халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг экспортини ошириш, уста-кулол хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шоғирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси (кейинги ўринларда — Форум) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўриқ-танлов, тақдирот ва намоишлар, кўргазма-савдо, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб борилсин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси 2021 йил 26 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва масалаларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида билдирилган тақлифларни инобатга олган ҳолда, инсофлик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўлангани лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига чет эл валютаси тушуми қилиб тушишидан қатъий назар, ҳисобга олиш тартиби ўрнатилсин. 2. Ўрнатилсинки: мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган имконият охириги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган ва экспорт шартномалари бўйича мuddати ўтган дебитор қардорлиги бўлмаган — интизомли солиқ тўловчиларга татбиқ этилади; товарлар "экспорт" божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми

экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварағига келиб тушмаган тақдирда, қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган суммаси ёки унинг тегишли қисми белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. 3. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб: қўшилган қиймат солиғининг салбий суммасини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинади;

солиқ тўловчига тегишли солиқ даври учун солиқ ҳисоботини топширишда, солиқ органларини хабардор этган ҳолда қўшилган қиймат солиғи салбий суммасини қоплаш (қайтариш) талабини билдириш ҳуқуқи берилди. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудибиев) уч ой мuddатда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғининг салбий миқдорини қоплаб бериш (қайтариш) бўйича солиқ органларига мурожаат қилишнинг акс этирувчи тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин. 4. Молия вазирилик (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудибиев),

Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик (Ш.Саидов) билан биргаликда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини таъминлаш чеклини ва мазкур тартибни таъминлаш тарихида 2022 йил 31 декабр-гача амалиётга жорий қилинсин.

5. Молия вазирилик икки ой мuddатда манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда қўшимча чарлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор моҳияти ва мазмунининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали кенг тушуштирилишини ташкил қилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 24 август

